O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 15 январь, № 11 (3556) Шанба


## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Мажлисда 2005 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз бериш натижалари кўриб чиқилди. Такрорий овоз бериш даврида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 58 депутати рўйхатга олинди.

Таъкидландики, 2004 йил 26 декабрдаги сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча — 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди.

Сайловларда 489 депутатликка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан — 435 киши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан мустақил номзодлар — 54 киши иштирок этди. Сайловларда фуқаролар фаол қатнашди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1 фоиз) сайловчи, жорий йил 9 январида эса 5400000 дан ортиқ киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80 фоизи қатнашди. Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,2 фоизи сайланди; Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 18 аъзоси, "Миллий тикланиш" партиясининг 11 аъзоси, "Адолат" партиясининг 10 аъзоси сайланди.

Сайловлар Қонунчилик палатасидаги ўринлар учун сиёсий партиялар ўртасидаги кескин рақобат кураши муҳитида ўтди. Округларнинг деярли 77 фоизида бир депутатлик мандати учун 4 тадан 6 тагача номзод кураш олиб борди. Жумладан, 55 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун тўрттадан, 32 округда бештадан, 5 та округда олтитадан номзод курашди. Бундан ташқари, 5 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун иккитадан, 23 та округда учтадан номзод баҳслашди. Партиялар қонунчиликда кўзда тутилган сайловолди ташвиқотини олиб бориш имкониятларидан тўлиқ фойдаланди.

Сайловолди баҳс-мунозаралари, овоз бериш натижалари шундан далолат бермоқдаки, сайловчилар демократик йўналишдаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муайян муаммоларини ҳал этишга қаратилган сайловолди дастурларига ҳамда номзодларнинг уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш қобилиятига кўпроқ хайрихоҳ бўлди. Бунда номзодларнинг аввалги кўрсатган хизматлари, эгаллаган лавозимлари эътиборга олинмади. Сайланган депутатлар орасида фақат 18 киши (15 фоиз) илгари Олий Мажлис депутати бўлган.

Олдинги сайловлардан фарқли ўлароқ, бу гал ўз номзодларини ҳимоя қилишда сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар кузатувчилари катта фаоллик кўрсатди. 30 мингдан ортиқ маҳаллий кузатувчининг саъй-ҳаракати сайлов қонунчилигига қатъий риоя этилишини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Сайлов кампанияси жараёни сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шартлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиб ижобий аҳамият касб этганлигини намоён қилди. Қонунчилик палатасига номзоди қўйилган хотин-қизлар — жами 159 киши — кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намойиш этди, сиёсий етуклик, ақл-заковатда рақибларидан қолишмади. Натижада Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловлардагидан икки ярим баравар кўпдир.

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодларнинг сайловда иштирок этишига оид қонунда белгиланган ҳуқуқи ўзининг долзарблиги ва мақбуллигини тасдиқлади. Фуқаролар томонидан бевосита кўрсатилган мустақил номзодлар катта фаоллик намоён этиб, сиёсий партиялар номзодлари билан муносиб рақобатлашди, натижада ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 54 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди. Шундай қилиб, Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасида улар 11,6 фоизни ташкил этди.

Янги сайланган депутатлар корпусининг таркибида Қонунчилик палатасининг профессионал хусусияти ўз аксини топган. Сайланган депутатлар орасида 18,3 фоизи — юристлар, 21,7 фоизи — иқтисодчилар. Айни пайтда қуйи палатада жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5 фоизи тадбиркорлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларидир. Депутатларнинг қарийб 16 фоизи — нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари.

Сайлов кампанияси даврида парламентдаги ўринлар учун кураш олиб борганлар ўртасида ҳам, сайловчилар орасида ҳам миллатлараро хусусиятга эга ҳеч қандай салбий ҳолат кузатилмади, миллатлараро асосда ҳеч бир қарама-қаршилик ёки зиддият чиқмади. Сайланган депутатлар орасида қарийб 91 фоизи ўзбеклар, 9 фоиздан ортиғи қорақалпоқ, қозоқ, тожик, туркман, рус, татар ва украинлардир.

Мажлисда сайлов комиссиялари ва участкалари иши аниқ, профессионал амалга оширилгани таъкидланди. Сайлов қонунчилигининг жиддий бузилиш ҳоллари кузатилмади. Айрим қоидабузарликлар, жумладан оила аъзолари учун ҳам овоз беришга уриниш ва шу каби бошқа англашилмовчиликлар ўз вақтида аниқланди ва олди олинди. Бундай ҳоллар овоз беришнинг бориши ва натижаларига таъсир кўрсатмади.

Мажлисда алоҳида қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар очиқ ва ошкора руҳда ўтди. Сайлов кампанияси жараёнини мамлакатимизнинг 493, хорижнинг 107 оммавий ахборот воситаси ёритиб борди. Сайловда дунёнинг 40 га яқин мамлакатидан 228 хорижий кузатувчи, жумладан МДҲ, ЕХҲТ кузатувчилари миссиялари қатнашди. Миллий қонунчилик, халқаро меъёр ва стандартларга тўла мос ҳолда ўтган сайловлар Ўзбекистонда очиқ ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

Марказий сайлов комиссиясининг 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижасида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори газетамизнинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда.

## ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирлари давом этмоқда. Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейида "Ватан — саждагоҳ каби муқаддас" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳарбийлар зиммасига юртимиз мустақиллиги, тинчлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, бахтли келажагимизни асрашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилгани таъкидланганига алоҳида эътибор қаратдилар.

Бўлажак Ватан ҳимоячилари қалбида она-юртга садоқат, истиқлол ғояларига эҳтиром туйғусини шакллантиришда ҳарбий- ватанпарварлик тарбияси алоҳида ўрин тутади. Мазкур билим даргоҳида 345 нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Уларнинг ҳарбий соҳада чуқур билимли, жисмонан бақувват инсон бўлиб вояга етишлари учун лицейда замонавий спорт мажмуи, кутубхона, компьютер синфи ишлаб турибди. Лицей ўқувчилари мамлакатимизда ўтказиладиган анъанавий "Амир Темур авлодлари" ҳарбий-спорт ўйинлари беллашувларида фахрли ўринни эгаллаб келмоқда. Ўқувчиларнинг бу ерда олаётган билимлари уларнинг ҳарбий олий ўқув юртлари ва академиялари талабаси бўлишида қўл келади.

**Нозокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



Фидойилар

## Экскаваторчи Валижон Қўшназаров

*Фарғона вилоятининг Фурқат туманида қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида ирригация-мелиорация ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 38 километр узунликдаги коллекторлар тартибга келтирилиб, лойқалардан тозаланмоқда. Бу юмушга Исфара-Сирдарё ирригация тизими бошқармасининг Фурқат бўлимидан 20 та экскаватор жалб этилган. Экскаваторчилар орасида эса Валижон Қўшназаров ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир. Улар ҳозиргача салкам 30 километрлик зовурларни қўлдан чиқардилар.*

**СУРАТДА: илғор экскаваторчи Валижон Қўшназаров.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Веб-сайти очилди

*Пекинда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) Котибияти расмий фаолият кўрсата бошлаганининг бир йиллиги ва ШҲТ веб-сайти (http//www.sectsco.org) очилиши муносабати билан қабул маросими бўлиб ўтди.*

Унда ХХР пойтахти дипломатик корпуси, халқаро ташкилотлар, Хитой вазирликлари ва идоралари вакиллари иштирок этишди.

ШҲТ ижроия котиби Чжан Дэгуан ўз кириш сўзида ташкилот ўтган бир йил муддат давомида сезиларли тараққиётга эришганини қайд этди. Бунга хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг фаоллашгани, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти йўлга қўйилгани, Наркотиклар ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши, ШҲТга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашувлари механизми йўлга қўйилгани эвазига эришилди.

Ташкилот аъзолари савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳам муваффақиятли тарзда ривожлантиришди. Ташқи алоқалар мустаҳкамланди: Тошкент саммитида Монголияга кузатувчи мақоми берилди, БМТ, АСЕАН, МДҲ ва ЕИ билан алоқалар ўрнатилди.

Чжан Дэгуан ШҲТ веб-сайти халқаро ҳамжамиятни ташкилот фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари билан кенг таништиришга хизмат қилишини таъкидлади.

ХХР Ташқи ишлар вазирлиги вакили Ли Хуэй тадбирда сўзга чиқиб, Тошкент саммитидан сўнг ШҲТ ривожланишнинг янги босқичига кўтарилганини эътироф этди ҳамда барча иштирокчи давлатларнинг саъй-ҳаракатлари самарасида ташкилот ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши ва минтақа тараққиётига кўмак беришига умид билдирди.

**"Жаҳон" АА.**

## ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

**ФАРҒОНА (ЎзА мухбири М.СУЛАЙМОНОВ).** Фарғона шаҳрида замонавий халқаро алоқа станцияси иш бошлади. Японияниннг халқаро ҳамкорлик банки — JBIC кредити ҳисобидан 256 чақирим масофага шиша толали кабель ётқизилиб, катта қувватга эга узатгич қурилмалари ўрнатилди.

Янги станция дунёнинг исталган нуқтаси, шунингдек, Интернет тармоғи билан бемалол боғланиш имконини беради.

## ФРАНЦИЯ ТУҲФАСИ

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган иккита тез тиббий ёрдам машинаси Қашқадарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига туҳфа қилинди. Бугунги кунда франциялик мутахассислар республикамизнинг айнан шу ҳудудларида ўзаро тажриба алмашиш лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу мамлакатнинг халқаро ташкилотлари томонидан молиялаштирилаётган лойиҳага кўра, асосий эътибор мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш учун кўмаклашиш, хусусан, тиббий муассасаларга сўнгги русумдаги тиббиёт ва лаборатория асбоб-ускуналари етказиб беришга қаратилади.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Ибн Сино таълимотини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида биргаликда амалга оширилган қатор тадбирларни ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Ўтган йили айнан шу мавзуда бир қанча семинар ва халқаро анжуманлар ташкил этилиб, уларда юзга яқин тиббиёт ходими иштирок этди.

**Б.ҒОФУРОВ.**

## Раҳбарлар ўқуви

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси қошида Олий таълим муассасалари раҳбарлари учун маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган малака ошириш курси ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги олий ўқув юрти ректорлари ўн беш кун мобайнида таълим-тарбия масалаларининг устувор вазифалари, ёшларни диний экстремизм таҳдидидан ҳимоя қилиш, талабаларда мафкуравий иммунитетни тарбиялашнинг педагогик-психологик услублари мавзуида маърузалар тинглашди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ҳунармандга рағбат

Андижон вилоят ҳокимлигида халқ усталари — кулолларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил қилинди. Тадбир давомида кулоллар анжумани ҳам ўтказилди. Бундан мақсад — тарқоқ ҳолда фаолият юритаётган кулолларни бирлаштириш, халқ амалий санъатининг бу кўҳна турини янада ривожлантириш, рақобатбардош буюмлар тайёрлашни йўлга қўйишдан иборат.

Анжуманда ҳунармандлар кулолчилик истиқболи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Касб-ҳунар таълими даргоҳларида кулолчилик гуруҳларини ташкил этиш, кулолчилик маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш борасида келишиб олинди. Мутасадди ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юкланди. Йиғилишда вилоят кулоллар уюшмаси тузилди.

Анжуманда вилоят ҳокими С. Бегалиев иштирок этди. Асрий анъаналарнинг давомчиларидан бир гуруҳига совғалар топширилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## «КЎНИКМА»НИНГ КЎМАГИ

Фармон ва ижро

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармонига биноан жазони ўташ муассасасидан озод этилганлар орасида Ойбек Худойбердиев ҳам бор.

— Панжара ортида ўтган ҳар бир кун йилдан ҳам узун туюларди, — дейди Вобкент туманидаги Бойқозон қишлоғида яшовчи бу йигит. — Президентимиз мен сингари адашганларга катта мурувват кўрсатдилар: муддатидан анча илгари озодликка чиқдим. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдорман. Давлатимиз раҳбарининг бу ишончини ҳалол меҳнатим билан оқлаш ниятидаман.

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Кўникма" ижтимоий маркази Вобкент туман бўлими Ойбек Худойбердиевнинг "Ражаб бобо" фермер хўжалигига ишга жойлашишида кўмаклашди.

— Президентимиз Фармонига мувофиқ вилоятимиздан ҳозирга қадар 45 нафар фуқаро озодликка чиқди, — дейди "Кўникма" ижтимоий маркази раҳбари ўринбосари Бахтиёр Раҳимов. — Уларнинг 37 нафари марказимиз кўмагида ишга жойлашди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

Хабарлар оқимидан

## Ҳомийлар ҳиммати

Бухоро вилоятидаги мактабларга сўнгги беш йилда ҳомийлар томонидан 4,82 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилган.

Ушбу ёрдам боис 470 та синф хоналари очилиб, 22 та мактабда спорт заллари қурилди. Шунингдек, 57 та мактабда ичимлик сув қувурлари ўтказилди. Мактаблар учун замонавий жиҳозлар ва компьютерлар сотиб олинди.

**Асатилло ҚУДРАТОВ.**
**"Туркистон-пресс".**

## Байрамга бағишланди

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасида ўтказилган байрам тадбири Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди. Шу куни хизмат даврида яхши кўрсаткичларга эришган ходимлар эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Тадбирда хизмат бурчини ўтаётган вақтида ҳалок бўлган 38 нафар ходим ёдга олиниб, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек меҳнат фахрийларига моддий ёрдам ва эсдалик совғалари берилди.

Мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари ижросидаги куй ва қўшиқлар кечага ўзгача файз бағишлади.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**"Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси 12-бандига, 45 ва 48-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2005 йил 9 январда ўтказилган такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:**

| № | Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган орган номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Абдуллаева Мухаббат | 1955 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти Кенгашининг биринчи котиби | Уйчи тумани | 38-Поп сайлов округи |
| 2 | Абдуллаева Турсуной Курбоновна | 1956 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, ЎзХДП аъзоси | Термиз шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси | Термиз шаҳри | 65-Термиз сайлов округи |
| 3 | Абдуназаров Абдулла Бегандикович | 1951 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | "Ўзгеобурғунефтгаз" қазиб чиқариш АК муҳандислик хизмати бош геологи | Қарши шаҳри | 110-Китоб сайлов округи |
| 4 | Абдурахмонов Жасур Джураевич | 1975 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | "Ўзбекистон Республикаси тикувчилик саноати Ассортимент ва модалар маркази" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 8-Хадра сайлов округи |
| 5 | Азизов Сарвар Мирхакимович | 1976 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | "Development Systems" қўшма корхонасининг Бош директори | Тошкент шаҳри | 14-Балиқчи сайлов округи |
| 6 | Акрамов Жасур Ахадович | 1969 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Фарғона шаҳри ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари | Фарғона шаҳри | 93-Фарғона сайлов округи |
| 7 | Алимов Акром Махкамович | 1967 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири | Тошкент шаҳри | 75-Зангиота сайлов округи |
| 8 | Аскаров Мамыт | 1954 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Қорақалпоғистон Давлат университети қошидаги академик лицей директори | Нукус шаҳри | 118-Хўжайли сайлов округи |
| 9 | Ахмедова Сорахон Толипжановна | 1955 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги захирадаги полковниги | Тошкент шаҳри | 83-Бешариқ сайлов округи |
| 10 | Ахунова Ойша Муҳамаджоновна | 1960 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, партиясиз | Наманган вилояти хўжалик судининг судьяси | Наманган шаҳри | 42-Янгиқўрғон сайлов округи |
| 11 | Аҳмедова Сурайё Мирпизаловна | 1963 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Чиноз тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси | Чиноз тумани | 79-Чиноз сайлов округи |
| 12 | Бобомуродова Анора Явқочтиевна | 1960 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, Фидокорлар МДП аъзоси | Навоий вилояти Ўқитувчиларни малакасини ошириш институти проректори | Навбаҳор тумани | 35-Қизилтепа сайлов округи |
| 13 | Ботирова Зухра Баратовна | 1954 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент тумани | 26-Варахшо сайлов округи |
| 14 | Бурханова Матлюба Файзуллаевна | 1955 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Навоий шаҳар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири | Навоий шаҳри | 34-Навоий сайлов округи |
| 15 | Вафаев Улугбек Назарович | 1967 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Акциядорлик тижорат "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Самарқанд вилояти бошқармасининг бошлиғи | Жомбой тумани | 50-Иштихон сайлов округи |
| 16 | Дадабаев Ботир Эргашевич | 1969 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Наманган вилояти Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари | Наманган шаҳри | 39-Чуст сайлов округи |
| 17 | Дадаев Набижон Журабаевич | 1967 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Риштон тумани "Жўра Додо" хусусий корхонаси раҳбари | Риштон тумани | 89-Риштон сайлов округи |
| 18 | Джураев Панжи Жумаевич | 1961 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Қумқўрғон тумани поликлиникаси бош шифокори | Қумқўрғон тумани | 67-Қумқўрғон сайлов округи |
| 19 | Досмухамедов Хуршид Набиевич | 1951 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри | 62-Янгиер сайлов округи |
| 20 | Жабборов Собир Вахабович | 1956 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Юридик бўлими мудирининг ўринбосари | Тошкент шаҳри | 61-Сайхун сайлов округи |
| 21 | Жалменов Уликбек Абилаевич | 1960 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Қорақалпоғистон Давлат университети Фалсафа ва социология кафедраси катта ўқитувчиси | Нукус шаҳри | 114-Нукус сайлов округи |
| 22 | Зиё Азамат Хамид ўғли | 1963 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри | 3-Темирйўл сайлов округи |
| 23 | Каримов Акрам Аббасович | 1953 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Тошкент молия институти "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедрасининг мудири | Тошкент шаҳри | 10-Астробод сайлов округи |
| 24 | Каримов Насимкул Хазраткулович | 1955 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | "Марказий Осиё трансқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятининг ижрочи директори | Тошкент шаҳри | 64-Ангор сайлов округи |
| 25 | Каримов Хаятхон Салимович | 1957 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Фарғона фуран бирикмалари кимё заводининг ташқи бошқарувчиси | Қўқон шаҳри | 86-Қўқон сайлов округи |
| 26 | Комилов Фахриддин Эсанович | 1962 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, партиясиз | Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси | Тошкент шаҳри | 73-Бўка сайлов округи |
| 27 | Маматмуминов Жалғаш Тавашович | 1961 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Шўрчи тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи | Шўрчи тумани | 68-Шўрчи сайлов округи |
| 28 | Маматов Худоёр Тешаевич | 1971 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультети декани вазифасини бажарувчи, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали директори | Самарқанд шаҳри | 55-Пастдарғом сайлов округи |
| 29 | Махаметова Матлюба Адиловна | 1961 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Фарғона шаҳар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири | Фарғона шаҳри | 95-Тошлоқ сайлов округи |
| 30 | Муминов Алишер Гаффарович | 1958 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | "Барака" Универсал лизинг компанияси бош директори | Тошкент шаҳри | 94-Водил сайлов округи |
| 31 | Назаров Хамидулла Сативалдиевич | 1950 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | "Ўзкимёсаноатлойиҳа" очиқ акциядорлик жамиятининг бош директори | Чирчиқ шаҳри | 80-Чирчиқ сайлов округи |
| 32 | Нишанов Юсибжон | 1946 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг Фарғона филиали директори | Фарғона шаҳри | 91-Охунбобоев сайлов округи |
| 33 | Ниязова Джамиля Абдукадировна | 1958 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Қорақалпоғистон Давлат университети "Фуқаролик ва хўжалик ҳуқуқи"кафедраси мудири | Нукус шаҳри | 119-Чимбой сайлов округи |
| 34 | Отажанов Мариб Абдусоломович | 1965 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Жалолкудуқ тумани Матлубот жамияти бошқаруви раиси | Жалолкудуқ тумани | 19-Жалолкудуқ сайлов округи |
| 35 | Раззақов Сайдахмат Зайнутдинович | 1962 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, ЎзХДП аъзоси | Каттақўрғон туманидаги "Бинокор" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси | Каттақўрғон тумани | 52-Қорадарё сайлов округи |
| 36 | Рахимов Абдуманноб Кузиевич | 1963 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти | Тошкент шаҳри | 18-Булоқбоши сайлов округи |
| 37 | Рузматова Набияхон | 1957 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Данғара тумани халқ таълими бўлими мудири | Данғара тумани | 84-Данғара сайлов округи |
| 38 | Сабиржанов Равиль Салихович | 1953 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказининг бош директори | Тошкент шаҳри | 85-Яйпан сайлов округи |
| 39 | Саифназаров Исмаил | 1948 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, "Адолат" СДП аъзоси | Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедраси мудири | Тошкент шаҳри | 78-Тўйтепа сайлов округи |
| 40 | Салимова Шарипа | 1951 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг раиси | Тошкент шаҳри | 77-Паркент сайлов округи |
| 41 | Сидиқов Низомидин Ғуломович | 1958 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Андижон вилоят филиали директори | Асака тумани | 16-Асака сайлов округи |
| 42 | Солиев Фахриддин Бахромович | 1960 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят бўлими раиси | Навоий шаҳри | 37-Хатирчи сайлов округи |
| 43 | Тешаев Шавкат Жумаевич | 1965 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодчилар уюшмаси бош директори | Тошкент шаҳри | 49-Булунғур сайлов округи |
| 44 | Тиллабаев Рустам Абдусаматович | 1945 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши биринчи котиби | Избоскан тумани | 21-Избоскан сайлов округи |
| 45 | Тожибоев Икромжон | 1960 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Уйчи туманидаги "Икромбой" фермер хўжалиги раҳбари | Уйчи тумани | 43-Уйчи сайлов округи |
| 46 | Турсунов Собир Турдиевич | 1964 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, "Адолат" СДП аъзоси | Қарши тиббиёт коллежи директори | Қарши шаҳри | 104-Қарши сайлов округи |
| 47 | Тўхтабаев Абдурашид Турсунович | 1953 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти кафедраси мудири, Захирадаги кадрлар мактаби директори | Андижон тумани | 20-Қўрғонтепа сайлов округи |
| 48 | Убайдуллаев Зиёдулла Сагдуллаевич | 1953 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети қошидаги Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази раҳбари | Тошкент шаҳри | 5-Қўйлиқ сайлов округи |
| 49 | Умарова Шоира Акбўтаевна | 1965 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг котиби | Тошкент шаҳри | 31-Дўстлик сайлов округи |
| 50 | Урунбаев Аликул Салибаевич | 1962 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | "Кўмир" акциядорлик жамиятига қарашли 9-сон кўмир кони раҳбари | Ангрен шаҳри | 71-Ангрен сайлов округи |
| 51 | Усаров Олим Авалбаевич | 1973 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий суди Матбуот хизмати раҳбари | Тошкент шаҳри | 11-Тўқимачи сайлов округи |
| 52 | Усманов Мажитхон | 1956 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Самарқанд агроиқтисодиёт коллежи директорининг биринчи ўринбосари | Оқдарё тумани | 54-Оқдарё сайлов округи |
| 53 | Хаитов Рашид Нормаматович | 1956 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Термиз бекати бошлиғи | Термиз шаҳри | 63-Шеробод сайлов округи |
| 54 | Хакимов Хандамир Маруфович | 1948 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Тошкент давлат иқтисодиёт университети сиртқи ҳисоб-иқтисод мутахассисликлари факультети декани | Тошкент шаҳри | 7-Дўмбирobод сайлов округи |
| 55 | Чоршанбиев Жума Чоршанбиевич | 1951 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Сурхондарё вилояти бўлимининг раҳбари | Термиз шаҳри | 66-Жарқўрғон сайлов округи |
| 56 | Шадманов Адхам Хурсанбоевич | 1965 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри | 48-Суғдиёна сайлов округи |
| 57 | Эшмурадов Арслан Хусанович | 1976 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Ёшлар" телеканалининг "Камолот" студияси муҳаррири | Тошкент шаҳри | 106-Қамаши сайлов округи |
| 58 | Юсупов Эркин Джураевич | 1960 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясининг "Солиқлар ва солиққа тортиш" кафедраси профессори | Тошкент шаҳри | 53-Нарпай сайлов округи |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2005 йил 14 январь.*

# ДАРСЛИКЛАР ВА ЗАМОН ТАЛАБИ

***Мустақиллик даврида нафақат таълим-тарбия тизимига, балки кадрлар тайёрлашнинг ҳал қилувчи омиллари ҳисобланмиш дарсликлар, ўқув қўлланмаларига ҳам талаб ўзгарди. Юксак маънавиятли, илғор замонавий билимли ва малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш учун давр талабларига монанд дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг ҳам янги авлоди яратилиши лозим.***

***Мамлакатимизда бу йўналишда давлат миқёсида катта ишлар амалга оширилмоқда. Келинг, шу ўринда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиш ҳолатига бир назар ташлайлик.***

«Узлуксиз таълим тизими учун дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш концепцияси»ни амалга ошира бориб, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ҳозирги кунга қадар 712 номдаги ўқув адабиётлари яратилди, улар 4,8 миллион нусхада нашрдан чиқарилди. Шуниси эътиборлики, юқорида эсланган 712 номдаги ўқув адабиётининг 445 номдагиси 2004 йилда яратилди. Ўқув адабиётларининг бундай катта кўламдаги ноширлигидан мақсад — ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини замон талаб қилаётган янги дарсликлар билан таъминлашга интилишдир.

Ўқув адабиётларини яратишда замонавий тажрибаларга дадил мурожаат қилинмоқда. Масалан, сўнгги бир йил ичида лотин имлосида умумтаълим фанларидан 8 номда электрон дарслик, 33 номда ўқув плакатлари ва 9 номда СД дисклар тайёрланди ва таълим муассасаларига етказилди. Махсус фанлардан эса 51 номда СД дисклар тайёрланди. Хуллас, бугунги кунда 103 номдаги электрон дарслик ва қўлланмалар ўқув масканларига тарқатилди. Буни нега алоҳида таъкидлаб айтаяпмиз? Шу маънодаки, электрон қўлланмалар, аввало, дарсликлар ноширлигида сарф-харажатларни кескин камайтириши билан биргаликда узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси ҳамда янги педагогик технологияларни жорий этиш талабларига асосан электрон дарсликлар, ўқув адабиётларининг яратилиши ва ўқувчиларга етказилиши босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Иккинчидан, янада муҳими электрон қўлланмалар машғулотларнинг амалий кўргазмалилик куч-қувватини оширади. Бу ўтилаётган дарсларнинг самарадорлигини кучайтиради.



Бизнинг шарҳ

2005 йилда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилмоқда. Шу муносабат билан тизимдаги барча умумтаълим фанлари бўйича ўқув адабиётлари лотин имлосида чоп этилди. Шунингдек, чуқурлаштириб ўқитиладиган ва мутахассислик фанларига доир адабиётлар ҳам лотин имлосида нашр этилмоқда.

Янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига қанчалик жавоб бера олишини аниқлаш мақсадида 2004 йилда бевосита ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида уларнинг тақдимот маросимлари ўтказилди. Жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлардан яратилган ўқув адабиётлари — Тошкент педагогика коллежида, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ўқув адабиётлари — Наманган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида, умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар — Тошкент Давлат педагогика университетида, махсус фанлар дарсликлари — Тошкент Алоқа коллежида, иқтисодиёт йўналишидаги дарсликлар — Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги иқтисодиёт коллежларида, техника, саноат, энергетика, металлургия йўналишларидаги адабиётлар — Тошкент давлат техника университетида, енгил саноат йўналишидаги дарсликлар — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тақдимот маросимига қўйилди. Ушбу тадбирларда билдирилган фикр-мулоҳазалар яратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари талабларига мослиги ҳамда сифати бўйича эксперт хулосалари уларнинг қайта нашрида инобатга олинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли қарорига биноан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун ўқув адабиётларини яратишда республикамизнинг бир қатор олий таълим муассасалари таянч базаларга айланди. Шуни айтиш керакки, самолётсозлик, металлургия, уй-жой коммунал хўжалиги, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари йўналишлари бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашга муаллифларни жалб этишда қийинчиликлар туғилмоқда. Аммо бу борада ҳам вазиятдан чиқиб кетиш йўллари изланаяпти. Масалан, ҳозирча яратилмаган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари бўйича маъруза матнлари тайёрланиб, кутубхоналарга тарқатилмоқда. Шунингдек, бу соҳаларга тааллуқли адабиётларни Россия, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Австралия, Жанубий Корея, Япония ўқув муассасаларидан олиб келинди ҳамда ўзбек тилига ўгириш устида мутахассис олимлар билан биргаликда ижодий ишлар ташкил этилди.

2005 йилдан бошлаб, ҳар бир дарслик ва ўқув қўлланмаси танлови асосида яратилади. Тизимни ўқув адабиётлари билан таъминлашни ривожлантириш борасида халқаро ҳамкорлик омилларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Масалан, Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) лойиҳаси доирасида ўқув адабиётлари муаллифлари учун Ресурс маркази ташкил этилди. ОТБ кредити асосида тизим учун сотиб олиниши зарур бўлган китоблар жамламаси рўйхати тузилди ва кўриб чиқиш учун лойиҳа раҳбарларига тақдим этилди. Ушбу рўйхат бўйича ўқув адабиётлари нашр учун тендер эълон қилинди. Шунингдек, мазкур лойиҳага асосан, республикадаги 3 та академик лицей ва 42 та касб-ҳунар коллежларида мавжуд 45 та кутубхонанинг захирасини бойитиш, мазкур муассасалар учун ўқув қўлланмалари ва компьютерлар жамламасини ажратишга келишилди.

Дарсликлар — таълим сифатини оширишда салмоқли ўрин тутади. Катта меҳнат ва муайян маблағ эвазига яратилаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишидаги ўқув адабиётлари фарзандларимизнинг замонга муносиб кадрлар бўлиб етишиши учун самарали хизмат қилаётир. Эндиги вазифа — дарсликларнинг сифатини янада такомиллаштириш ва тизимдаги ўқув муассасаларини улар билан тўлиқ таъминлашга эришишдир.

**М. САФАРОВ.**



# ТАРТИБНИ БУЗГАН ҲАЙДОВЧИГА... ҚАМОҚ ЖАЗОСИ?!

***Амалдаги ҳар бир қонун ва қоида маълум бир асосга эга. Чунончи, бошқа меъёрий ҳужжатлар қаторида Йўл ҳаракати қоидаларининг турмушга татбиқ этилаётгани ҳам ҳаётий зарурат, айни чоғда жамият хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий чоралардан биридир. Бинобарин, Йўл ҳаракати қоидаларига ҳар биримиз итоат этишимиз шарт. Қоидани бузган шахс учун, шубҳасиз, маъмурий ва жиноий жазо бор. Бу жазо дунё мамлакатларида турлича.***

Масалан, Россияда маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлар 1000 рублдан 2000 рублгача жарима тўлашади ёки бир йилгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилади. Данияда эса қон таркибида аниқланган алкогол миқдорига қараб ёки қоидабузарлик такрорланса, ҳайдовчига 14 кундан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган. Америкада биринчи марта қоидабузарлик қилганлар ўртача 250-1000 доллargача жарима тўлашади ёки олти ойгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан, шунингдек, 23 соатдан бир йилгача озодликдан маҳрум этилади. Шу ўринда қизиқ бир мисол: Афинадаги олимпиада ўйинларида олти марта чемпионликни қўлга киритган машҳур спортчи, америкалик Майкл Фелпс автомашинасини маст ҳолда бошқарганлиги учун маҳаллий суд томонидан шартли равишда бир ярим йилгача озодликдан маҳрум этилди. Энг қизиғи, унинг зиммасига ана шу вақт мобайнида алкоголизмнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида ёшлар билан суҳбатлар олиб бориш мажбурияти юклатилди. Бу суд қароридир.

## Йўл қоидаси — умр фойдаси

Маст ҳолда автомашина бошқарувчилар бизда ҳам сийланмайди. Спиртли ичимлик истеъмол қилиб рул бошқараётган киши инспекторлар томонидан тўхтатилса, тиббий текширувдан ўтказилади ва бу ҳолат ҳақида расмий ҳужжат тузилиб, қонуний чора кўрилади. Маълум бўлишича, ўтган йили йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан маст ҳолда машина бошқариб кетаётган 75 минг нафар ҳайдовчи тўхтатиб қолинди. Бу шунча миқдорда юз бериши мумкин бўлган автофалокатнинг олди олинди, деган гап.

Айни чоғда транспорт воситасини белгиланган тезликдан ошириб бошқаришга ҳам чора кўрилишини ҳайдовчилар яхши билишади. Билишади-ю, лекин аксарият ҳолларда риоя қилишмайди. Бу борада ҳам хорижий мамлакатларда тегишли жазолар қўлланилади. Мисол учун Францияда ҳайдовчи белгиланган тартибдан тезроқ ҳаракатланса, у ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади. Агар қоидабузарлик такрорлангудек бўлса, катта миқдордаги жарима билан бирга икки йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Германияда, хусусан Берлин шаҳри кўчаларида транспорт қатнови қанчалар тиғиз бўлмасин, улар амалдаги қоидалар асосида қатъий бошқариб борилади. Шаҳар кўчаларини кузатган киши ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг тартиб сақлай билишларидан, мамлакатда йўл ҳаракати қоидаларига бўлган ҳурматниҳоятда юксаклигига ишонч ҳосил қилади. Бу ерда машина ҳайдаш жараёнида уяли телефон алоқасидан фойдаланиш ҳам тақиқланган. Мабодо ҳайдовчининг уяли телефони ҳаракат пайти жиринглаб қолсаю, гаплашилмаган тақдирда ҳам қўлга олинса жарима солинади. Яна бир эътиборли томони, Германияда йўл полицияси автомашиналарига компьютер алоқа хизмати ўрнатилган. Агар йўлда қоидабузар ҳайдовчи тўхтатилса, унинг нечанчи марта қоида бузганлиги шу заҳоти компьютер орқали марказий полиция билан боғланиб, у ердан ҳайдовчи ҳақидаги барча маълумотлар олинади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз кўчаларида транспорт воситалари қатнови тиғизлашганлиги, хилма-хил автомашиналар кўпайиб бораётганлиги бор гап. Айни пайтда ҳаракатланишни тартибга солиш ва йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш юзасидан республика ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан бир қанча амалий чора-тадбирлар кўриб келинаётир. Бироқ... Ўтган йили мамлакатимиз бўйича жами 10681 та автоҳодиса рўй бериб, унда 2029 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. 11439 нафар киши турлича тан жароҳати олди. Ҳайдовчилар айби билан 8899 та автофалокат юз бериб, унда 1680 нафар киши нобуд бўлган, 9928 киши тан жароҳати олган. Бу ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали кўплаб юртдошларимизда Йўл ҳаракати қоидаларига тўла риоя этиш етарлича шаклланмаган. Шунингдек, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг қоидаларни билган ҳолда уларга амал қилишни истамасликлари нафақат ўз оилаларига, айни пайтда давлат ва жамиятга катта моддий-маънавий зарар етказмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда, албатта, биринчи навбатда ҳайдовчига айб қўйилади. Тўғри, ҳайдовчи ҳар қандай шароитда ҳам хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда машинани бошқариши керак. Аммо, ана шу кезда пиёдалар ҳақида, аниқроғи, уларнинг кўполлик билан қоидабузарлик қилиб, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишларига халақит бераётганликлари борасида ҳамиша ҳам ўйлаб кўрилмайди. Бунга 2004 йил мобайнида республика бўйича пиёдалар айби билан юз берган 1599 та ҳолатни ва уларда 292 нафар кишининг ҳалок бўлиб, 1364 нафар кишининг эса тан жароҳати олганлигини мисол қилиб айтишимиз мумкин.

Баъзилар чет элда маош юқори, қоидани бузганлик учун жарима тўлаш уларда қийинчилик туғдирмайди, бизда қоидабузарликка тўланадиган жарима миқдори оширилса, ҳайдовчи қандай қилиб тўлайди, деган фикрни билдиради. Тўғри, аммо маош оз ёки кўплигининг йўл ҳаракати қоидаларига мутлақо алоқаси йўқ. Амалдаги қоидаларга барча бирдай итоат этишга ва агар, қоидани бузса, жарима тўлашга мажбур. Жарима эса турли қоидабузарликларни бартараф этишнинг асосий омилларидан биридир. Энг асосийси, қоидани бузмаслик керак.

**ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси матбуот хизмати материаллари асосида Мақсуд ЖОНИХОНОВ тайёрлади.**

# Фориш оҳактоши

***Фориш туманидаги "Карбонат" акциядорлик жамияти ўтган йили 512 минг тоннага яқин оҳактош қазиб олди. Бу олдинги йилдагидан 147 минг тонна кўпдир. Натижада 130 миллион сўм фойда олишга эришилди.***

Жорий йилда жамоа "Бекободцемент" акциядорлик жамияти, "Ўзметкомбинат" бирлашмаси, Хоразм вилоятидаги "Шакаринвестмет" қўшма корхонаси ва бошқа буюртмачиларга 1 миллиард 900 миллион сўмлик хомашё етказиб бермоқчи.

**Ўз мухбиримиз.**


## Консультатив хизматлар кўрсатиш бўйича тендерда иштирок этиш учун таклифнома

*Сана: 15.01.2005 й.* *Кредит шартномаси UZB-3*

**Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Корея Республикаси ҳукуматининг Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси (EDCF) томонидан «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун имтиёзли кредит берилди. Ушбу имтиёзли кредит маблағларининг маълум қисми лойиҳа доирасида тузиладиган шартномаларни молиялаштириш учун мўлжалланган ва шу мақсадда қуйидаги таклифнома эълон қилинмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (ЎМКҲТМ), консультатив хизматларни бажариш учун ваколатга эга бўлган Корея фирмалари ўзларининг муҳрланган таклифлари билан танловда иштирок этиш учун таклиф этилади. Консультантлар «EDCF кредити доирасида консультантларни ёллаш бўйича қўлланма»га асосан танланди ва ёлланади.

Халқаро консультантлар маиший хизмат (радиотехника ва телеаппаратураларни ишлатиш ва таъмирлаш, маиший хизмат машиналари ва жиҳозларини таъмирлаш, фотография, электротехника ва электроника) ва саноат (пайвандлаш) йўналишлари бўйича ўқув-лаборатория ва махсус фанларни ўқитиш бўйича мультимедиа синфи жиҳозларини харид қилиш, ўрнатиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича техник кўмак ва тавсиялар берадилар, шунингдек, қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

- *тендерда қатнашиш учун таклифномалар ва тендер қатнашчиларига кўрсатмалар тайёрлаш;*
- *тендер ҳужжатларини тайёрлаш;*
- *умумий ва махсус шартларни ҳисобга олган ҳолда мол етказиб берувчилар билан тузиладиган шартнома лойиҳаларини ишлаб чиқиш;*
- *лойиҳа доирасидаги касб-ҳунар коллежлари устахоналари ва лаборатория синфларида жиҳозларни жойлаштириш чизмаларини тайёрлаш;*
- *ўқув-лаборатория жиҳозлари спецификацияларини ва рўйхатини аниқлаш ҳамда тузиш;*
- *иш ҳажмининг спецификациясини тузиш;*
- *талаб этиладиган ва қабул қилса бўладиган кафолатни аниқлаш;*
- *бошқа керакли таклифларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш;*
- *тендерни ўтказиш ва таклифларни баҳолаш бўйича тавсиялар бериш;*
- *шартномаолди музокараларда иштирок этиш ва тавсиялар бериш;*
- *лойиҳа доирасида жиҳозларни сотиб олиш жараёнини ўз вақтида олиб бориш бўйича бошқа вазифаларни амалга ошириш.*

Талаб этиладиган хизматларни бажариш учун хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилган вақтдан бошлаб, 6 ой ажратилади. Тўлиқ тендер ҳужжатлари тўпламини ёзма сўров асосида қуйида келтирилган манзилдан олиш мумкин.

Буюртмачи қатнашчиларнинг тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва етказиб бериш бўйича қилган сарф-харажатларини ўз зиммасига олмайди.

Тендер таклифлари қуйида кўрсатилган манзилга 2005 йил 15 февраль куни соат 12.00 гача (Тошкент вақти билан) етказилиши шарт. Тендер таклифлари қуйида кўрсатилган манзилда 2005 йил 15 февраль куни соат 14.00 да (Тошкент вақти билан) қатнашиш истагини билдирган тендер иштирокчилари вакиллари қатнашувида очилади.

**700100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 55-уй, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.**

**Факс: +998 71-139-12-19, телефон: +998 71-139-15-89.**
**e-mail: world@markaz.uzsci.net**

**Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи мутахассиси Х.Аҳмедов.**

358/21



*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!*

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

қуйидаги объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш (калити билан) бўйича

**танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

1. Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Ғаллаорол» агрофирмасида 750/50 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.
2. Жиззах вилояти, Фориш тумани, Қораобдол қишлоғида 750/100 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

*Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.*
*Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-31-59, 222-30-11.*
*Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга,етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел./факс: 226-14-66.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.**

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*



*Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг "SARDOR BEK TRIKOTAJ" хусусий фирмаси, ОКПО коди 19232049 тугатилади.*
*Даъволар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 2-уй, 27-хонадон.*



BANK
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

## «Гулзор» гузарига келинг

Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрида тадбиркор Тўлқин Турғунов ўз маблағи ҳисобига “Гулзор” гузарини барпо этди.

Тўй, тантана ва турли-туман тадбирлар ўтказишга мўлжалланган ушбу замонавий кошона 500 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда одамларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган.

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**



*Чуст туманидаги “Мустақиллик” маиший хизмат касб-ҳунар коллежида меҳнаткашларнинг 1050 нафар фарзандлари таҳсил олишади. Сиҳат-саломатлик йили коллеж ўқувчилари учун қутлуғ келди — улар барча қулайликларга эга янги бинога кўчиб ўтдилар. Барча фанлар учун алоҳида кабинетлар, тажриба лабораториялари, компьютер хоналари, кутубхона ўқувчилар хизматида. Кенг ва ёруғ спорт зали, замонавий ускуналар билан жиҳозланган машғулот хоналарида улар спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.*

**СУРАТДА: коллеж ўқувчилари Маҳмуда Маҳмудова ва Шерзод Каримов машғулотда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# МУАЛЛИМЛАРНИНГ МУАЛЛИМИ

***Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин. Ҳар икковига эришган одам эса комил инсондир. Бундай шарафли номга эришиш учун фаннинг сермашаққат йўлларини сабр-матонат, фидойилик билан босиб ўтиш билан бирга одамийлик деб аталмиш юксак фазилатни умр мазмунига айлантирмоқ даркор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, “Эл-юрт ҳурмати” ордени, “Шуҳрат” медали совриндори, педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зуннунов ана шундай инсонлар сирасига киради.***

Академик Азиз Қаюмов таъкидлаганларидек, ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида бутун куч-қувватини, илми-истеъдодини аямайдиган зотлар қаторида Асқар Зуннунов домла ўзининг ўрнига эга.

Домла меҳнат фаолиятини 1933 йилда Тошкентдаги 19-мактабда оддий котибликдан бошлади. Сўнг шу мактабнинг бошланғич синфларида дарс берди, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 3-мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор вазифаларида ишлади. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани халқ маорифи бўлимини бошқарди. 1961 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида Асқар Зуннуновнинг матбуот саҳифаларида 160 дан зиёд илмий-методик мақолалари эълон қилинди. Шунингдек, “Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди”, “Адабиёт ўқитиш методикаси”, “Адабиёт назарияси”, “Баёнлар тўплами”, “Ифодали ўқиш асослари” сингари 40 дан ортиқ монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Юртимизда биринчи бўлиб адабиёт методикаси бўйича “Ғафур Ғулом ижодини 10-синфда ўрганиш” мавзусида номзодлик, 1975 йилда “Ўзбекистон мактабларида адабиёт методикасининг ривожланиши” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1988 йилда эса профессорлик илмий даражасига сазовор бўлди.

Унинг раҳбарлигида республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларида дарс бераётган 30 нафардан зиёд ўқитувчилар адабиёт ўқитиш методикаси ва педагогика бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлди. Айни чоғда олим педагогика институтларида адабиёт ўқитиш методикаси кафедраларини ташкил қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди, мактабларда адабиёт хоналарини ташкил этиш, уларни кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш ишларининг ташаббускори бўлди.

Кўриниб турибдики, домланинг 70 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида фан, таълим ривожига

**Орамиздаги одамлар**

қўшган ҳиссалари беқиёс. Аммо у кишининг бир фазилатига алоҳида урғу бермоқ керак: бу — одамийлик.

“Инсоннинг энг бахтли вақти бошқаларга эзгулик қилган онларидир” деган ҳикматни 90 йиллик ҳаёти давомида ўзи учун шиор деб билган Асқар Зуннунов, қаерда бўлмасин, одамларни яхшиликка ундади, уларга озми-кўпми ёрдам беришни ўзининг инсоний бурчи, деб билди. Шогирдими ёки ёрдамга муҳтож одамми — ҳаммага қўлидан келганча кўмагини аямади. Бир мисол. Кунларнинг бирида Тожикистонда 4-5-синфларда ўқиётган Руқия ва Рисолат исмли қизлар домлага хат ёзишади. Шунда домла уларнинг етим қолганини билиб, кўнглини кўтарди, то мактабни тамом қилгунларича дарсликлар билан таъминлаб турди, ёзган китобларидан юбориб, кўнгилларини кўтарди. Ҳатто Душанбе шаҳрига бориб, Руқия ва Рисолатнинг олий ўқув юртларига киришларига кўмаклашди. Кейинчалик улардан бири Асқар Зуннуновга миннатдорчилик изҳор қилиб, қуйидаги мактубни йўллаган эди:

“Ассалому-алайкум, қадрли ва муҳтарам домлажон!

Хатингизни олдим ва бениҳоят хурсанд бўлдим. Катта раҳмат, домлажон. Фойдали маслаҳат ва насиҳатларингиз учун кўпдан-кўп миннатдорман. Сизнинг насиҳатларингизга амал қилишни ўзимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблайман.

Менга қилган ғамхўрлигингиз, оталарча насиҳатларингиз учун доим “аъло”га ўқишга сўз бераман. Сиздек ажойиб, камтар ва олийжаноб инсон билан хат ёзишаётганимдан ҳамда шундай ажойиб домлам борлигидан фахрланаман. Сизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан, қизингиз Рисолат. 20. 11. 1977 йил”.

Шогирдларининг бундай хатларини домла ўзи учун юксак мукофот деб билардi. Бу ҳаммамиз учун бир ибратли воқеа...

Домла ўзининг “Ҳаёт — ибрат манбаи” китобида шундай деб ёзади: “Инсоннинг асосий хислати одамларни севишдир. Бу хислатга эга инсон халқ осойишталиги учун ҳаётини қурбон қилишга ҳам тайёрдир. Ана шундай хислатларни ўзида мужассам этган Юртбошимиз халқ, Ватан осойишталиги, фаровонлиги учун ўз ҳаётини бахшида этиш йўлини ўз тимсолида намоён этмоқда. Бу барча фуқаро, раҳбар, илм аҳли учун ибратдир. Халқимни, севиш ўзимга доимий ҳамроҳ бўлиши орзусида яшаш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Ҳаётимнинг бош мақсади — мамлакатимизда маънавият ривожи, илм-маърифат равнақи йўлида меҳнат қилишдир».

Профессор, муаллимларнинг муаллими Асқар Зуннунов бугунги кунда ҳам ана шу эзгу ниятда фаолият юритмоқда.

**Ж. ИКРОМОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ.**

# ЖАРОҲАТ

## Суд очерки

***Социалистик реализм адабиётини ўқиганлар китобдан ижобий ва салбий қаҳрамонлар ахтаришарди. Нафақат адабиётда, санъатда ҳам шундай эди. Ижобий оқ, салбий қора рангда тасвирланарди. Бора-бора биз шунга кўникиб қолдик ва ҳаётга қарашимиз ҳам оқ ва қора рангларда жилвалана бошлади. Учратган одамимиздан, эшитган воқеамиздан, ушлаган нарсамиздан ва ҳатто кўрган тушимиздан-да дарров яхшилик ва ёмонлик ахтаришга тушдик.***

***Тарки одат — амри маҳол, деганларидек, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг узундан-узоқ ҳукмидан-да ижобий ва салбий қаҳрамонларни ахтара бошладик. Буниси — яхши, буниси — ёмон, буниси — қора, буниси эса... Негадир оқ рангни учратолмадик. Қайта-қайта мутолаа қилсак-да, ижобий қаҳрамонни топа олмадик.***

Шу десангиз, Қурбон Искандаров деган 35 ёшли йигит Қизилтепа тумани «Варозун» ширкат хўжалиги Работигарди қишлоғида яшаб келган. Миллати ўзбек, гулдай хотини, икки нафар фарзанди бўлган. Муқаддам судланмаган ва ҳеч қаерда ишламаган ҳам. Дунёда бекорчи одамдан ёмони бўлмас экан. Чунки у бекорчи-да, ҳеч ким суриштирмайди — «Нега ишга кеч келдинг» демайди. «Премиянгни кесамиз» ёки «Аризангни ёз», деб ҳеч ким қўрқитмайди. Хуллас, шу боланинг нияти айнийди. Лотин Америкаси сериалларидаги қаҳрамонларга ўхшаб бирор ишнинг бошини тутмасдан ялло қилиб юргиси келади. Навоий шаҳрига бир-икки бориб кўрсаки, пули йўқни ҳеч ким ёнига йўлатмас экан, ресторанларга ҳам киритмас экан. Шу орада у Навоийда қўшмачи ва фоҳиша аёллар билан танишади. Улар билан бир муддат ялло ҳам қилиб юради. Аммо қишлоқдан келтирган пуллари тугаётган эди. Гарчанд бу аёлларнинг бўйни, қулоқлари, бармоқлари тўла тилла, ейишу ичиши, яшашида каму кўсти бўлмасада, ундан, нафақат ундан, бу ерга тез-тез келиб турувчи барча мижозлардан фақат пул талаб қиларди. Ана шу пуллар эвазига улар ичишарди, чекишарди, шаҳват бўтқасига булғанишарди.

Бундай ҳаёт Қурбонга ёқиб қолди. Бироқ у бундай роҳатбахш кунлар узоқ эмаслигини англаб етди — чўнтагида пули тугаган куни кечагина бағрида тўлғонган, қошу кўзи пиликдай, тилларидан бол томувчи қизлар заҳри заққумдай муомаласи билан кўча эшикни кўрсатиб қўйди. Ва писанда қилишдики: «Пул топганда келиб туринг, жонон йигит!».

Бу 2001 йил декабрь ойларида бўлган воқеа эди. Жонон йигит бир ойлардан кейин қайтиб келди. Бу орада йил ўзгарганди, яъни 2002 йилнинг январи эди. Шу билан бир қаторда Қурбоннинг нияти ҳам ўзгарганди. Энди у бу ерга шаҳват майини ичиш учун эмас, нафс илинжида хонадон соҳибасининг паймонаси жомини тўлдиргани келганди. Йўл-йўлакай жияни (суд ҳужжатларида отасининг холаваччаси ҳам дейилади) Рафиқ Жумаевни ҳам ўзи билан ола келди. Навоийга юр, бир яйратиб келаман деди. 1986 йилда туғилган мактаб ўқувчисини ҳам ўз қабиҳ ниятига ошно этди. Ҳукмда бу ҳақда шундай ёзилади:

«Қ. Искандаров Р. Жумаевнинг вояга етмаганлигини била туриб, уни қасддан жиноят қилишга жалб қилиб, 2002 йил 25 январь куни соат тахминан 10.00 ларда Д. Бахтибаеванинг Навоий шаҳар Улуғбек кўчаси 8-уй, 137-хонадонига алдов йўли билан ғайриқонуний равишда кириб, хонада Бахтибоевадан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишиб, таъмагирлик ниятида, босқинчилик жиноятини яшириш ва унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида уйнинг балконида бўлган Бахтибоевани ўта шафқатсизлик билан, дастлаб қўллари билан бўғиб, сўнгра балконда бўлган арқон ипни олиб, сиртмоқ шаклига келтириб, шу арқондан қурол сифатида фойдаланиб, Бахтибоеванинг бўйни қисмидан ўтказиб, қаттиқ қисиб тортиб, бўғиб ўлдиради».

Муддао ҳосил бўлгач, тоға-жиян дастлаб мурдани талайдилар. Бўйни, қулоғи, бармоқларидаги кулонли-ю кулонсиз тилла занжирлару зирак, узук ва балдоқларни ечиб олади. Сўнгра уй жиҳозлари — телевизор, мусиқа маркази, кийим-кечак, қўйингки аёлларнинг оддий кремигача, жами 1.463.000 сўмлик мол-мулкини олиб чиқиб кетадилар. Табиийки, жиноятга биринчи бор қўшилган жиян довдираб қолади. Аммо Қурбон уни қўрқитади ва мабодо гуллаб қўйгудек бўлса, шу аёлнинг куни бошига тушишини айтади.

Бунча мол-мулкни яшириш ва сотишнинг ўзи бир достон. Аммо қонун ҳимоячилари барчасини худди кафтдагидек ойдинлаштириб беришади.

...Қурбон дастлаб саросимада юрди. Аммо ойлар ўтаяптики, унинг мушугини «пишт» дейдиган одам йўқ. Қорлар ёғди, излар босилди. Ҳеч ким «оқ туяни кўрмади». Бу орада олдинги ўлжадан тушганлари деярли сотилиб, бару кафеларда сарфланиб, ҳамёни ҳам анча юпқалашиб қолди. Қурбон яна қурбонлик истай бошлади. Навбатдаги «ов» ҳам бароридан келди.

Насулло Шоназаров ҳам қизилтепалик, аммо у Варозунда эмас, «Деҳқонобод» ширкат хўжалигида яшайди, буям ғирт бекорчи. Қурбон қарасаки, гапга кўнадиган, уни олиб Бухорога боришади. Бухорода эски танишлари таксичи Комил Шариповга учрашади. «Дам олмоқчи»лигини шаъма қилади. Комил уларни Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 72-уйга — Меҳринисо Шаропованикига олиб боради. Уйдаги қулинг ўргилсин жиҳозлар, тилло тросснинг оғирлигидан хонадон соҳибасининг бўйни эгилиб қолганлиги Қурбоннинг кул босган иштаҳасини очиб юборди ва шу ернинг ўзидаёқ режасини пиширди. Қурбон бу ерда бир неча кун ҳурлиқолар билан «дам олди», келди, кетди. Орадан кунлар ўтди. Ойлар ўтди. 2002 йил 5 сентябрь куни уч оғайни ботирлар яна ушбу хонадонга ташриф буюради. Бу сафар «дам олиш»га эмас, Шароповага мангуликка «дам бериш» учун шайланиб келишганди. Аммо уйда унинг таниши Г. Асадова бор экан. Режа бир кунга кечиктирилади ва 6 сентябрь наҳорида Комилнинг «Тико»сида келиб, уни ташқарида қолдиради. Уйга кириши билан Насулло Меҳринисонинг қўлларини орқага қайириб туради. Қурбон эса ошхона пичоғини унинг кўксига санчади ва мурдани ваннахонага ташлашади.

Яна ўша талончилик, ағдар-тўнтарлар, пуллар, тиллолар, хуллас, хонадон соҳибасига тегишли 1.563.510 сўмлик мол-мулк бир зумда гум қилинади.

Ҳарқалай, Қурбон бу сафар манзилини ўзгартирганди, токи ҳеч ким ис ололмасин. Бухоро ва Навоий ўртаси 100 км.дан ошиқ. Бу масофада ҳар қандай този ҳам ис ололмайди. Шерлок Холмси ҳам бармоғини тишлаб қолади. Бироқ Қурбон адашганди. Ҳар иккала шаҳарда катта бир гуруҳ мутахассислар аллақачон ишни бошлаб юборган, қотиллик миридан-сиригача ўрганилаётган эди.

Майли, ҳозирча изқуварлар ўз иши билан шуғулланиб турсинларда, энди гапни яна Қурбон Искандаров ва унинг жиноий шерикларидан эшитайлик.

Қурбоннинг Навоийдаги тентирашларининг бир бўлаги Ломоносов кўчаси 16-уй, 33-хонадонда ҳам кечган эди. Шаҳардаги таксичилар уни бу хонадонга «дам олиш»га олиб келгандилар. Ўшанда Розия Насимова ҳам, унинг уйи, аниқроғи уйдаги қимматбаҳо буюмлар ҳам Қурбонга ёқиб қолди. Мудҳиш режанинг лойиҳаси шу ердаёқ чизилди. Аммо бу ердаги «юк»лар залворли эди. Бир ўзига оғирлик қиларди. Шу туфайли бамаъниророқ шерик керак эди. Энди шерикларни ўзгартириш лозим. Олдингиларининг иштаҳаси анча карнай экан. Азза-базза айтишди ҳам. Хуллас, шерик ўз қишлоғидан чиқиб қолди. Кўр кўрни қоронғида топибди. Яна бир бекорчи, муқаддам икки марта судланган, жиноят содир этишга «кўзи учиб турувчи» Ибрагим Илёсов Қурбоннинг таклифини жон-жон деб қабул қилади ва икковлон босқинчилик режаларини тузиб чиқади.

Икки минг иккинчи йил 17 декабрь куни соат тахминан 11.00 ларда ўз хонадонида кўксига пичоқ санчилган Розия Насимова ҳаёт билан видолашади. Қотиллар яна тала-талага ўтишади — телевизор, магнитафон, латта-путталар... Жами 185.000 сўмлик мол-мулк икки тугун қилиб олиб чиқиб кетилади...

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судида миридан-сиригача кўриб чиқилган иш хотималанди. Қурбон Искандаров олий жазога ҳукм этилди. Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам тегишлича жазо олдилар.

Суд ҳукмидаги бу сатрларни ўқир эканмиз, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Шерали Раҳмоновнинг гаплари ёдимизга тушади:

— Биласизми, тик келган бало кўндаланг кетади, деган гап бор. Бу — осон келган нарсанинг кетиши оғир, аниқроғи, ҳаром-ҳариш билан топилган луқма халқумингни йиртади, деганидир. Қурбон ва унинг шерикларининг бундай хатти-ҳаракати бирданига пайдо бўлиб қолган эмас. Бу мудҳиш жиноятлар аслида академик шоиримиз айтганидек, қўшниникидан тухум ўғирлашдан бошланган. Эҳтимол, бу ҳолат ўзгаларнинг мулкига ғараз ният билан қарашдан бошлангандир. Аммо шу нарса аниқки, бу иллат соат сайин, кун сайин шаклланиб борган. Уларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» демаган. Ва аксинча, нафрат ўрнига рағбат пайдо бўлган: «Олиб келавер бачам, яша бачам, бу сафар нега кам бачам». Хўш, бу бачаи балога ота-онаси индамабди, мактаб-чи, устозлар-чи? Табиийки, бундай болалар дарсга ҳам тўлиқ қатнашмайди. Чунки хаёли илмда эмас, қўшнининг товуғи (энди тухум эмас, товуқ)да бўлади. Муаллимлик назорати, устозлик меҳри қаерда қолди?

Маҳалланинг кўзи — мингта, дейишади. Мингта кўз бекорчи болаларнинг гап-сўзларини эшитмадими, юриш-туришини кўрмадими? Ўша фаҳш босган хонадонлар чет элда эмас, қўшнимиз, шундоқ маҳалламизда жойлашмаганми?

Профилактика инспектори-чи? Маҳаллаларда таянч пунктлари нима учун ташкил қилинди? Ҳаммамизнинг ишимизни енгиллаштириш ва бизга таянчу мадад бўлиши учун эмасми? Бир маймун-ҳайкалча бўларди. Кўзларини юмиб, қулоқларини бекитиб, оғзини ёпиб олган — кўрмадим, эшитмадим, ҳеч кимга ҳеч нарса демадим. Ваҳоланки суд жараёнида кўп нарса аён бўлди. Фақат одамларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги ва бироз худбинлиги уларни маймуннинг ҳолига тушириб қўйган. Ҳамма саволларнинг интиҳоси «Биз билмаган эканмиз» деган мантиқсиз жавоб билан тугайди. Ваҳоланки, қонунни билмаслик ҳеч кимни ва ҳеч бир жиноятчини жазодан сақлаб қолмайди, имтиёз ҳам бермайди. Ҳуқуқий демократик давлат қураётган, эркин фуқаролик жамияти барпо этаётган бир пайтимизда ҳар бир фуқаро қонунга суяниб яшаши керак. Одамларга, айниқса, ёшларга қонунни ўргатиш, қонунга итоат қилиб яшашни англатиш фаолиятимизнинг бош мезонига айланмагунча курашни тўхтатишга ҳаққимиз йўқ.

* * *

Сиз ҳам воқеаларни эшитдингиз, суд ҳукми билан танишдингиз, одамларнинг фикр-мулоҳазалари билан ошно бўлдингиз. Жиноятчиларни қўя туринг, марҳумлар-чи? Одатда, марҳумларнинг ортидан ёмон гап айтилмайди. Шу туфайли воқеаларнинг тафсилотидан ортиқ бир гап айтишдан биз ҳам тийилдик. Лекин, уларни-да, ижобий қаҳрамон қилиб кўрсатолмадик. Суҳбатларни тингладик, ҳужжатларни титкиладик, таассуфлар бўлсинки, уларнинг амалида ижобийликдан асар тополмадик. Эҳтимол, кимдир таажжубланиши ҳам мумкиндир. Нега комилликни яхши одамлар орасидан эмас, жиноятчилар тўдасидан ахтараяпсиз, деб. Минг афсуслар бўлсинки, жиноятчи осмондан — ўзга сайёрадан тушган эмас. У орамизда ўсди, улғайди, вояга етди. У бизнинг фарзандимиз, жигаримиз, укамиз ёки акамиздир. Улар ҳам сизу бизнинг сафимизда галстук тақиб юриши, одамларга ва жамиятга фойдаси тегиши мумкин эди-ку? Қолаверса, улар ёлғиз эмас эдилар. Ён-атрофида Сиз бор эдингиз. Биз бор эдик.

Хулласи калом, бўм-бўш қўл билан шу ергача етиб келдик. Ҳолбуки, инсон ҳамиша комиллик сари интилган, комилларни ахтарган, аҳли комилларнинг суҳбатидан баҳра олган ва ўз турмуш тарзини-да комиллик сари йўналтирган. Биз ҳам мақоламизнинг илкидан тортиб комилликни, комил инсонларни ахтардик. Сиз ҳам ахтаринг, изланг ва топинг. Биламизки, у сизнинг орангизда, шундоқ ёнингизда турибди. Унинг қўлларидан ушлаб бирга кетинг, сафингизни комил инсонлар, комиллик билан тўлдиринг. Токи улар сизнинг, бизнинг — ҳаммамизнинг ҳаёт йўлларимизни нурлантириб, равшанлантириб турсин! Токи жиноятчиларнинг жирканч қилмишлари туфайли қалбларимизда пайдо бўлган жароҳат изларидан асар ҳам қолмасин!

**Шавкат ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг судьяси.**
**Эсирган БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва М. Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси жамоаси хушовоз хонанда

**Жўрахон РАҲИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Маънавият» нашриёти жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори Б. Алимовга акаси

**Фикрат АЛИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати жамоаси Қибрай тумани юридик маслаҳатхонаси адвокати Умриниса Абдуқодировага волидаи муҳтарамаси

**Ҳадича ая ХЎЖАМҚУЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 063. 30475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[i]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5